“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш
07/24-сон БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш ўтказилган жойи	Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 85А уй
Умумий йиғилиш ўтказилган вақти	2024 йил 25 ноябрь, соат 15:00
Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони	622 631 949 дона
Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони	622 578 889 дона
Йиғилиш раёсати:	Х. Мустафаев Ж. Абдушукуров Ш. Алиризаев

Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишдан олдин, йиғилишнинг ишчи органларини, шунингдек, йиғилиш ваколатларини, яъни унинг ишлаши учун кворумнинг мавжудлигини, уни саноқ комиссияси томонидан аниқланиши керак.

Саноқ комиссиясидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини эълон қилиш сўралди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кворуми тўғрисида эшитилди.

...

Умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар бўйича **кворум мавжуд.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилишга ваколатли. Акциядорларнинг умумий йиғилишини очиш таклиф қилинди.

Овоз бериш орқали акциядорларнинг умумий йиғилишини очиш учун очиқ тарзда овоз бериш орқали бир овоздан маъқулланди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Раёсатини сайлаш тўғрисида эшитилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг Раёсатини уч кишидан иборат шахсий таркибини қуйидагича сайлаш таклиф қилинди:

1. Х. Мустафаев – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари – Кузатув кенгаши раиси.

2. Ж. Абдушукуров – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг департамент директори.

3. Ш. Алиризаев – “Ўзбекнефтегаз” АЖ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари.

Таклиф бир овоздан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси сайланиши тўғрисида эшитилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси этиб Кузатув кенгаши раиси Х. Мустафаевни сайлаш таклиф қилинди.

Таклиф бир овоздан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг котибиятини сайлаш тўғрисида эшитилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг котиби этиб Қимматли қоғозлар ва активлар бўлими етакчи мутахассиси – А. Рўзибоевни сайлаш таклиф қилинди.

Таклиф бир овоздан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинди.

Ташкилий масалалар ҳал этилгандан сўнг, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси Х. Мустафаев ташкилий масалаларни ҳал қилишда иштирок этганларга миннатдорчилик билдирилди ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибини эълон қилди:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иш тартибини, саноқ комиссиясининг миқдорий ва шахсий таркибини ҳамда унинг ваколат муддатини тасдиқлаш.

2. "Ўзтрансгаз" АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини муддатидан аввал тугатиш.

3. *"Ўзтрансгаз" АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.*

Кун тартибидаги биринчи масала - Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иш тартибини тасдиқлаш тўғрисида акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси Х. Мустафаев сўзга чиқди.

....

Йиғилиш раиси кун тартиби бўйича масалани овозга қўйишни таклиф қилди:

1.1. Саноқ комиссия аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлаш:

- Ж.К. Рахмонов – Лойиҳа офиси самарадорликни ошириш бўйича раҳбар ўринбосари;
- Н.М. Мурадова – қимматли қоғозлар ва активлар бўлими бош мутахассиси;
- А.Т. Рўзибоев – қимматли қоғозлар ва активлар бўлими етакчи мутахассиси.

1.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши иш тартиби қуйидагича тасдиқлаш:

мажлис кун тартибидаги асосий маърузалар - 15 дақиқагача;

мунозарали нутқлар - 5 дақиқагача;

саволларга жавоблар - 5 дақиқагача.

Овоз бериш натижалари:

"Ёқлаб" - *622 578 889 овоз* ёки умумий йиғилишда қатнашган акциядорлар ва уларнинг вакилларининг *100% овозлари*.

"Қарши" - йўқ, **"Бетараф"** - йўқ.

Тўлиқ қарор шакли:

1.1. Саноқ комиссия аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Ж.К. Рахмонов – Лойиҳа офиси самарадорликни ошириш бўйича раҳбар ўринбосари;
- Н.М. Мурадова – қимматли қоғозлар ва активлар бўлими бош мутахассиси;
- А.Т. Рўзибоев – қимматли қоғозлар ва активлар бўлими етакчи мутахассиси.

1.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши иш тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

мажлис кун тартибидаги асосий маърузалар - 15 дақиқагача;
мунозарали нутқлар - 5 дақиқагача;
саволларга жавоблар - 5 дақиқагача.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича – Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси Х. Мустафаев сўзга чиқди.

Маърузачи ўз нутқида қуйидагиларни маълум қилади.

...

Йиғилиш раиси кун тартиби бўйича масалани овозга қўйишни таклиф қилди:

2.1. "Ўзтрансгаз" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Алиризаев Шахзод Шухратовичнинг ваколатини муддатидан аввал тугатиш.

2.2. "Ўзтрансгаз" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Қурбонов Шахзоджон Қурбон ўғлининг ваколатини муддатидан аввал тугатиш.

Овоз бериш натижалари:

"Ёқлаб" – *622 578 889 овоз* ёки умумий йиғилишда қатнашган акциядорлар ва уларнинг вакилларининг *100% овозлари*,

"Қарши" – йўқ, **"Бетараф"** - йўқ.

Тўлиқ қарор шакли:

2.1. "Ўзтрансгаз" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Алиризаев Шахзод Шухратовичнинг ваколати муддатидан аввал тугатилсин.

2.2. "Ўзтрансгаз" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Қурбонов Шахзоджон Қурбон ўғлининг ваколати муддатидан аввал тугатилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича - Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси Х. Мустафаев сўзга чиқди.

Маърузачи ўз нутқида қуйидагиларни маълум қилади.

...

Йиғилиш раиси кун тартиби бўйича масалани овозга қўйишни таклиф қилди:

3.1. Омаров Муратжан Юлчибоевични "Ўзтрансгаз" АЖ Кузатув кенгашига 3 йил муддатга сайлаш:

Овоз бериш натижалари:

3	**3.1.** “Ўзтрансгаз” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига 3 йил муддатга қуйидагича сайлаш		
№	**Кузатув кенгаши аъзолигига қуйилган номзодлар**	**Кузатув кенгаши аъзолигига қуйилган номзодлар тўғрисида маълумотлар**	**Ёқлаб (Номзодларга берилган овозлар сони)**
1	Омаров Муратжан Юлчибоевич	“Ўзбекнефтгаз” АЖ	622 578 889

Тўлиқ қарор шакли:

3.1. Омаров Муратжан Юлчибоевич “Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгашига 3 йил муддатга сайлансин.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлиги муносабати билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпиқ деб эълон қилинди.

Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш раиси *имзо* Х. Мустафаев

Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш котиби А. Рўзибоев

Баённома имзоланган сана 2024 йил 3 декабрь